

---

## Чегара ҳудудлардан бири "Шўр" маҳалласида 3,5 км йўллар шағаллаштирилди

Фурқат туманида маҳаллий йўллар ҳолатини яхшилаш, уларни жорий таъмирлаш, янгилаш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан "Шўр" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Навбаҳор,

Мустақиллик, Ҳизр ота кўчаларининг 3,5 км қисмида асфальтлаш жараёни бошланди.

Ҳозирда ушбу кўчаларда шағаллаштириш ишлари якунланиб, текислаш, асфальт ётқизишга тайёрлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

2023-02-15 19:04:44